ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА МАМЛАКАТДА МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ЎРТА ҚАТЛАМНИНГ ЎРНИ

Асадов Жасур Абдужабборович
Тошкент давлат иқтисодиёт университети тадқиқотчиси
https://doi.org/10.5281/zenodo.8254106

Бугунги кунда жаҳонда рўй бераётган глобаллашув жараёнида миллий хавфсизликни таъминлаш муаммоси муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳар бир давлат ўз ҳудудининг яхлитлигини ва фуқароларининг тинч-тотув яшашини таъминлаш мақсадида мавжуд хавф-хатарларга қарши самарали усул ва воситаларни изламоқда. Бунда энг аввало ҳар бир йўналишда барқарорликни таъминлаш орқали эришиш мумкинлиги тобора ўз тасдиғини топмоқда.

Хавфсизлик муаммоси бугунги кунда нафақат илмий ва назарий аҳамият касб этмоқда. Иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ҳаётнинг барқарорлиги, давлат ва фуқароларнинг ўзаро ҳамкорлиги, муаммоларни биргаликда ҳал қилиши – замонавий жамиятнинг муҳим сифати ҳисобланади.

“Хавфсизлик” тушунчаси Робер маълумотномасига кўра, 1190 йилда пайдо бўлган. Унда ўзини ҳар қандай хавф-хатардан ҳимояланган деб ҳисобловчи инсон руҳиятининг хотиржам ҳолати ифодаланган. Тарихнинг кейинги даврларида давлат тузилмаларининг шаклланиши билан боғлиқ равишда “хавфсизлик” тушунчаси моддий, сиёсий ва иқтисодий соҳаларда давлат қурилиши, бошқариш органлари тенденцияларига мос келадиган реал хавф-хатарнинг (жисмоний ва маънавий) йўқлиги натижасида вужудга келадиган тинчлик ҳолати шароити маъносини англатган[1].

Хавфсизлик кўп қиррали бўлиб, у бутун инсоният, давлат ёки иқтисодий тизимнинг нормал фаолият юритиши, ривожланиши учун нохуш, салбий, зарарли таъсирлардан, хавф-хатарлардан сақланиш, ҳимояланиш ҳолатини ифодалайди. Хавфсизлик умумий тарзда зиён етказиш учун потенциал шароитларнинг йўқлигини, сақланишлик, ҳимояланиш ва ишончлиликни англатади[2].

Давлат манфаатлари эса конституцион тузум, мамлакат суверенитети ва территориал яхлитлигини ҳимоя қилиш, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни қарор топтириш, қонунларнинг сўзсиз амал қилишини таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни қўллаб-қувватлаш ва тенг шериклик асосида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришдан иборат.

Ушбу манфаатлар бир-бири билан ўзаро боғланган бўлиб, улар жамият аъзоларининг мустақиллигини таъминлаш, халқ фаровонлиги ва турмуш даражасини ошириш, унинг маданиятини ва маънавий қадриятларини сақлашга бўлган интилишларини ифода этади. Шу боис ҳар қандай мамлакат манфаатлари учта муҳим мақсадга йўналтирилган бўлади: 1) халқ фаровонлигини ошириш; 2) мамлакат тинчлиги ва ҳудудини ҳимоя қилиш ҳамда юртни обод этиш; 3) миллий маданиятни ривожлантириш[3].

Миллий хавфсизликнинг муҳим таркибий қисми, уни таъминлашнинг энг муҳим шарти ёки омили иқтисодий хавфсизлик ҳисобланади. “Иқтисодий хавфсизлик”

[1] Абулқосимов Ҳ. Иқтисодий хавфсизлик. Тошкент, “Академия” нашриёти, 2006. 5-б.
[2] Ўша ерда, 7-б.
[3] Экономическая безопасность хозяйственных систем. Учебник – М, изд-во РАГС 2001, 29-б.

тушунчасида энг муҳим тарзда мамлакатнинг моддий ва номоддий, қайта тикланадиган ва тикланмайдиган иқтисодий салоҳияти акс этади.

“Иқтисодий хавфсизлик” тушунчаси илмий адабиётларда турлича талқин қилинади. Бир гуруҳ олимлар мазкур тушунча мазмунини мамлакатнинг етарли мудофаа салоҳиятини, давлат сиёсатининг ижтимоий йўналтирилганлигини, миллий манфаатларни ҳимоя қилишни кафолатлашга қодир бўлган иқтисодиёт ва ҳокимият институтларининг аҳволи сифатида таърифлайди. Шунингдек, у ҳокимият институтларининг иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган, миллий манфаатларни ҳимоя қилиш ва рўёбга чиқариш ҳамда жамиятнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлигини таъминлаш механизмларини яратишга қодирлиги деб ҳам талқин қилинади.

Иккинчи гуруҳ олимлари мазкур тушунчани халқнинг мустақил равишда ташқи кучларинг аралашувисиз ва тазйиқисиз иқтисодий тараққиёт йўли ва шаклларини ўзи белгилаб олишига имкон берадиган ҳолат сифатида тавсифлайди.

Учинчи гуруҳ олимлари эса мазкур тушунчани иқтисодиёт барқарор ривожланишининг муҳим шарти, бу соҳада шахс, жамият ва давлатнинг энг муҳим манфаатларининг ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимояланишини тавсифлайди. Уларнинг фикрича, иқтисодий хавфсизликни таъминлаш – шахс, жамият ва давлат мавжудлиги ва уларнинг изчил ривожланишига имкон яратадиган талаб-эҳтиёжларнинг қондирилиши демакдир[4].

Миллий иқтисодий хавфсизлик барча даражадаги мулкчиликнинг ҳимоя қилиниши, тадбиркорлик фаолияти учун зарур шарт-шароит ва қонуний кафолатларнинг яратилиши, шунингдек, мамлакатдаги вазиятнинг ёмонлашувига, беқарорликка олиб келадиган ҳолатларнинг жиловланиши (яъни иқтисодиётдаги криминал тузилмаларга қарши кураш, даромадларнинг тақсимланишидаги жиддий фарқ, табақаланишнинг келиб чиқиши, ижтимоий зиддиятларнинг кескинлашиб кетишига йўл қўймаслик)ни тақозо этади. Шу билан бирга, инвестициялар ва инновациялар учун қулай муҳитнинг яратилиши, ишлаб чиқаришнинг мунтазам модернизациялашуви, янгиланиши ва такомиллашиб бориши ҳамда ходимларнинг билим, касб-малакаси, умумий маданият даражасининг ўсиб бориши миллий иқтисодиёт барқарорлигининг зарур шартига айланишини ифодалайди.

Ҳозирги даврда, яъни бозор муносабатларига ўтиш даврида аралаш иқтисодиёт шаклланаётган шароитда давлат мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун барча хўжалик субъектлари фаолиятини илгаригидек директив усуллар билан тартибга солиб бўлмайди. Бундай вазиятда давлат хўжалик субъектлари фаолиятини, иқтисодиётни, ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнларини асосий иқтисодий усул ва воситалар кўмагида тартибга солиши талаб этилади.

Охирги йилларда жамият ривожланиши муаммоларини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, жамиятда ижтимоий-иқтисодий хавфсизликни таъминлаш муаммолари ўта долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Мазкур муаммонинг жиддийлигига илгари етарли аҳамият қаратилмаган. Айнан ижтимоий-иқтисодий нобарқарорлик Яқин Шарқ ва бошқа давлатларда “рангли инқилоб” номини олган ижтимоий кризисларга сабаб бўлган.

[4] Абулқосимов Ҳ. Иқтисодий хавфсизлик. Тошкент, “Академия” нашриёти, 2006. 14-б.

Шунинг учун, жамиятнинг иқтисодий барқарорлиги ижтимоий-иқтисодий осойишталикнинг муҳим индикатори бўлиб, мамлакатда "пишиб келаётган" ижтимоий-иқтисодий норозиликларнинг олдини олиш мақсадида сиёсий ва ижтимоий кучларнинг доимий диққат марказида туриши лозим.

Ижтимоий-иқтисодий барқарорлик ҳақида гап кетганда, айрим ҳолларда жамият барқарорлиги бу ижтимоий-иқтисодий тартиблар, тизимлар ва тузилмаларнинг ўзгаришсиз туриши, турғунлик деб тушунилади ва бундаги ҳар қандай ўзгаришлар инсонлар фаровонлигининг ёмонлашувига олиб келади деган тасаввурлар ҳам мавжуд. Бироқ, хавфсизлик нуқтаи назардан олиб қараганда, ижтимоий-иқтисодий барқарорлик – бу ижтимоий-иқтисодий тизимлар ва муносабатларнинг турғунлиги, ҳаракатсизлиги тушунчаларига синоним эмас. Жамиятда бундай ҳаракатсизлик барқарорлик белгиси эмас, балки тўхтаб қолиш аломатлари бўлиб, эртами-кечми ижтимоий тангликка ва нобарқарорликка олиб келади.

Барқарор жамият – бу ривожланаётган ва бир вақтнинг ўзида ўзининг барқарорлигини сақлаб қолаётган жамиятдир. Ушбу жамиятда унинг турғунлигини сақлаб қолувчи, жамият негизларининг заифлашишига олиб келувчи ижтимоий кучлар тўқнашувига йўл қўймайдиган ўзгаришлар механизми йўлга қўйилган бўлади.

Барқарорлик ҳақида фикр юритиш жараёнида яна бир муҳим жиҳатни ҳисобга олиш керак. Авторитар сиёсий режим ҳам, тоталитар сиёсий режим ҳам қайсидир вақт давомида барқарор бўлиши мумкин. Бироқ, кўплаб давлатларнинг тарихий тажрибаси шуни кўрсатадики, бундай режим охир оқибат "портлайди" ва ижтимоий тўқнашувлар ва умумий нобарқарорлик ўчоғига айланади. Шунинг учун барқарор жамият сўзини тўлиқ қамраб олувчи тушунча – бу демократик жамият.

Шундай қилиб, жамиятда барқарорликка ўзгаришсизлик, ҳаракатсизлик ҳисобига эмас, балки муқаррар бўлган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни керакли вақтда ва керакли жойда моҳирона амалга ошириш эвазига эришилади. Бошқача айтганда, фаол ривожланаётган ва шу билан бирга бутун бир тизим сифатида ўзининг турғунлигини сақлаб қолаётган жамият ижтимоий-иқтисодий барқарор деб аталади.

References:

1. Абулқосимов Ҳ. Иқтисодий хавфсизлик. Тошкент, "Академия" нашриёти, 2006. 5-б.
2. Экономическая безопасность хозяйственных систем. Учебник – М, изд-во РАГС 2001, 29-б.